Soń ishke mirát etiledi. Al, shayır bul jerde úyinikinen beter kewiliniń esigin ashajaq. Yaǵnıy ózi basqa bir qosıǵında aytqanınday, "jalǵız atın qonaqqa soyıp berip" bolsa da onı kútiwdi niyet etken. Bul da metodımızdıń sebep bólimin tolıqtırıwshı qatarlardan biri.

Biziń xalıqtıń kewlin qaysı bir gezde,
Heshqanday húkimdar,
Heshbir patsha, xan –
«Miymandoslıq» degen duwalı sózdey,
Billáhiy, hesh jawlap ala almaǵan..

Tariyxta kóp jawgershilikti kórgen xalqımız birde mongol xanlarınıń, birde arab húkimdarlarınıń, qazaq júzleriniń, Orta Aziya xanlıqlarınıń zorlıq-zombılıqlarına ushırap kelgen. Gezinde óz aymaǵına baǵınıshlı etip otırǵan jerleri de bar. Biraq kórkem sózdiń qúdiretine qarańız! Shayır bunda "Miymandoslıq" degen duwalı sóz joqarıda sanaǵan xan hám húkimdarlardıń qúdireti tolıqlay jetpegen jawlap alıw degen qásiyetke iye dep kórsetedi.

Xosh miymanım,
Kelmekte bol bul úyge,
Keshegi qonaǵım –
Búgingi dostım.
Dos arttırıw – eń bir ullı ǵáziyne,
Raxmet, ırısıma sen ırıs qostıń.

Shayır "Doslıq dese juldız tawıp alǵanday" quwanatuǵın xalqınıń qonaqtı uzatıp salıw dástúrin de jaqsı bayanlaydı, yaǵnıy, xoshlasa turıp taǵı da úyine mirát etedi. Keshe ómirinde tuńǵısh ret kórgen insanı – qonaǵı búgin dostına aylanıwı da metodımızdıń sebep bólimin tolıqtıradı.

PSMU metodınıń ulıwmalastırıw bólimine óterde qosıqtıń juwmaqlawshı bántbasar eki kupletin keltiriw orınlı. Aldınǵı shuwmaqta qonaqtı taǵı da óz úyine (Watanına) mirát etip qalǵan shayır bul mákandı barınsha súyetuǵınlıǵın aytadı.

Saw júrsek tabarsań bizdi hárdayım,
Usı shól hám bostan aralıǵınan,
Saǵan unay ma dep sorap neǵılayın,
Suwım da, qırım da ózime dárman.

Adam dos, qostar, kásip saylawı múmkin, biraq ata-ana hám Watandı saylaw múmkinshiligine iye emes. Sonlıqtan, onı bar kemshiligi menen súyeseń. Kelgen qonaǵıńa unasın, unamasın ol seniń úyiń, seniń Watanıń. Shayır áne usı pikirdı bul shuwmaqta kórkem bayanlaydı. Qosıqtıń sońǵı shuwmaǵında da shayır ózi tuwılıp ósken jerin oǵada sulıw sózler menen bezep súwretleydi. Bul óz úyi dúnyanıń qaysı bir burshınan kelgen qonaq bolsın, bári-bárin de qarsı ala aladı, "asıq dostım biziń jaqqa jetiwge" dep turǵanday boladı shayır.

Bir jaǵım suw, bir jaǵım shól bolmasa,
Beyish qurıp berseń de men barmayman,
Gúl hám juwsan iysi ańqıp turmasa,
Ol jerde men qaraqalpaq bolmayman.

Qaraqalpaqstannıń geografiyalıq jaylasıwı ondaǵı qaraqalpaqlardıń táǵdiri menen sińisip ketken. Qosıqtıń dáslepki shuwmaǵı menen sońǵısı arasındaǵı baylanıs "shól hám bostan" menen "gúl hám juwsan"nıń oqıwshı yadına qayta túsiriliwinde kórinedi.

Juwmaqlap aytqanda, ulıwma bilim beriw mektepleriniń 7-klası ushın shıǵarılǵan "Ádebiyat" sabaqlıǵında xalıq shayırı Ibrayım Yusupovtıń "Meniń úyim" qosıǵın oqıtıwda PSMU metodın qollanıw oqıtıwshı ushın jaqsı nátiyje beredi.

## Ádebiyatlar


1. Niyetova R., Mámbetov I., Jaqsımova G. Ádebiyat. 7-klass ushın sabaqlıq. –Tashkent: 2022, 14-15-b.
2. Айжанова З. Әдебият сабағында И. Юсуповтың шығармаларын үйрениў. –Нөкис: «Билим». 1993.
3. Юсупов И. Күншығыс жолаўшысына. – Н.: «Қарақалпақстан». 1999.



**REZYUME.** Maqolada umumta'lim maktablarining 7-sinfida I.Yusupov ijodini oʻqitish haqida soʻz yuritiladi. Unda PSMU metodining ahamiyatiga toʻqtaladi. Oʻquvchilarni shoir ijodiga qiziqtiradi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье анализируется процесс преподавания творчества И.Юсупова в 7 классе общеобразовательных учреждений. Особое внимание уделяется значимости метода ПСМУ. Материал направлен на стимулирование интереса учащихся к творческому наследию поэта.

**SUMMARY.** The article discusses about teaching the work of I.Yusupov in the 7th grade of secondary schools. It focuses on the importance of the method «PSMU». Students are interested in the work of the poet


# ҚОРАҚАЛПОҚ АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ МАЗМУНИ


**А.С.Исмайлов –** *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** урф-одат, анъана, қўшиқ, халқ нақллари, мақоллар, бешик жирлари (алла), топишмоқлар, жумбоқлар, эртаклар, бет очар.
**Ключевые слова:** обычаи, традиции, песни, народные сказки, пословицы, колыбельные, загадки, сказки, открывалки.
**Key words:** customs, traditions, songs, folk tales, proverbs, lullabies, riddles, fairy tales, bottle openers.


Юртимизда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар, баҳс-мунозаралар, ҳар хил фикр ва тушунчалар мактаб ҳаётида, хусусан, ёшларни тарбиялаш борасида ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда ёш авлодга таълим-тарбия берувчи устоз-муаллим олдида маънан етук, комил инсонни тарбиялаш вазифаси турибди. Бу талабни муваффақиятли амалга оширишда халқ педагогикасининг тутган ўрни беқиёс. Бизнинг халқимиз ўз ҳаёти давомида «намунали ул (ўғил), қирмизи қиз» ўстирган. Халқимизнинг ўз тарихи, маданияти, урф-одати, миллий маънавияти, бетакрор – миллий анъана ва қадриятлари, дастурлари бор. Унутилиб бораётган, бироқ таълим-тарбия фаолиятида ўрни беқиёс қорақалпоқ халқ миллий дастурларини ёш авлод онгга-шуурига сингдириш, мактабда таълим–тарбия жараёнларини ташкил этишда қорақалпоқ халқ педагогикасининг энг яхши миллий дастурларини ўргатиб бориш мактаб таълим-тарбиясида кенг татбиқ қилиниши лозим.

Қайси халқ бўлмасин, у ўз авлодларига тарбия жараёнида миллий маънавий қадриятларни, миллатга хос барча эзгу фазилатларни таълим-тарбия мезонлари асосида етказиб боришга интилади, «Ўз элининг миллийлигини кўз қорачиғидай сақлашни, хусусан, ёшлар билимли, ҳунарли, маданиятли қобил фарзанд бўлиб вояга етса экан дея армон қилади» [7:24].

Ёшларни миллий анъаналар ва урф-одатлар асосида тарбиялашда, халқимизнинг меҳр-мурувватi, шафоати, тажрибаси, аждодларга ҳурмат, ёши улуғларни сийлаш ва ғамхўрлик қилиш, асраб-авайлаш, одоб-ахлоққа риоя қилиш каби урф-одат ва қадриятларимизни ўргатиш лозим.

Ёшларни халқимизнинг миллий анъаналари ва урф-одатлари асосида тарбиялашда, ўқувчиларга шу асосда тўлиқ маълумот берилади. Унинг тарбиявий аҳамияти кенг татбиқ қилинади. Шу орқали таълим-тарбия соҳасида кўндаланг турган вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади. Буни амалга ошириш учун ўқувчилар билан «Халқимизнинг миллий анъаналарини биласизми?», «Бешик қўшиғи (алла)» – бола тарбиясининг дастлабки босқичи» деган мавзуларда дискус дарслар, фикр алмашувлар, амалий машғулотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Қорақалпоқ халқ миллий анъаналари билан ўқувчиларни таништириш мақсадида болалар боғчасида, мактабларда тарихий этнографик музейлар ташкил қилинса, экспонатлари таълим-тарбия фаолиятида фаол фойдаланилса, айни муддао бўлар эди.

Тарих зарварақларида ижтимоий муносабатлар фақат сақланибгина қолмасдан, ўзгариб, янгиланиб боради. Шундай экан, анъаналар орқали қайта такомиллашув, барқарорлашув миллий-маънавий қадриятлар тикланади, ўтмиш обидалардан келажак муносабатлар шаклланади. Натижада янги авлод ўтган асрлар силсиласидан таъсирланиб, унга бўйсунишга, итоат этишга мажбур бўлади.

Биз бола тарбиясида қорақалпоқ халқ миллий анъаналарининг аҳамияти жуда муҳимлигини биламиз. Болаларга тарбия бериш жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналаридан, ўйин, қўшиқ, халқ нақллари, мақоллар, бешик жирлари (алла), топишмоқлар, достонлардан парча, жумбоқлар, эртаклар, айтишувлардан унумли фойдаланамиз. Шуларни ўргатиш натижасида болаларда халқ оғзаки ижоди намуналарига меҳр, қизиқувчанлик ҳисси ошади.

Халқ ёдида сақланиб келган халқ оғзаки ижоди намуналари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини ўзида ифода этиб, унда урф-одат, анъана ва дастурлар, тарбия билан инсон умрининг барча шаклу шамойилини ўзида акс эттира олган. Шу сабабли ҳамма замонларда ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи халқ оғзаки ижодиёти намуналари ўзининг бой педагогик мазмуни билан халқнинг асосий тарбиявий қуроли бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, фольклорнинг барча жанрларида бола тарбиясига хос усул ва тамойиллар кенг ўрин олган [1].

Маънавий озиқланиш инсон зотига катта учун ҳам, кичик учун ҳам ҳаво билан сувдай зарур. Сабаби, маънавий ночор инсон табиатдаги ва жамиятдаги ҳодисаларга онгли равишда лоқайд, бефарқдир. Моддий бойлик халққа маълум вақтгача хизмат қилса, маънавий бойлик инсоният жамиятининг барча қатламлари учун баробар даражада аҳамиятга эга бўлиб, оғиздан-оғизга, наслдан-наслга ўтиб ўзининг педагогик мазмунини йўқотмайди.

Қорақалпоқ халқ педагогикасининг асосий қуролларидан бири халқ оғизаки ижоди: халқ қўшиқлари, нақллар, мақол, эртак, топишмоқ-жумбоқ ва достонлар асрлар давомида достонлар асрлар давомида ёш авлодларни тарбиялашда, уларни яхшиликка, эзгуликка, меҳнатга, ҳақиқатгўй, тўғрисўз бўлишга ундаш ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Халқ оғзаки ижоди қадим-қадимлардан шу халқ педагогикаси шакл ва мазмунини ўзида жамлаган, ўтмишда юксак тафаккур соҳиблари ҳам халқ оғзаки ижоди тажрибаларига амал қилган.

Халқ оғзаки ижоди тараққиёти таълим-тарбиянинг энг етакчи соҳаси бўлиб, ёшлар тушунчаси, ўй-тафаккури ва дунёқарашига улкан тарбиявий таъсир қилади. Бу ёшларда қалб хотиржамлиги, илҳом ва истеъдод, одоб-ахлоқ туйғуларини юзага чиқариб, ҳар бир айтилган қўшиқ ва ижод намуналари машаққатли, дард, алам, қайғу билан бошланса ҳам, охир оқибат адолат, ҳақиқат, тўғрилик, муродга етиш каби мотивлар ёшларга ғайрат, шижоат бахш этади, ўз элига содиқлик, миллат урф-одатлари ва миллий қадриятларига ҳурмат ва эҳтиром туйғулари ошиб боради.

Қорақалпоқ халқининг анъаналари асосида келиб чиққан тарбиявий аҳамиятга эга анъана ва дастурлари ўзининг педагогик мазмуни билан ажралиб туради. Масалан, Бешик жири, Тулкича (чўпчак), Ё рамазон, Айтишув, Келин салом (бет очар) каби халқ оғизаки ижоди асарлари қадимдан куйланиб келаётган қорақалпоқ халқ педагогикасининг ўлмас мерослари бўлиб, буларда ота-онанинг фарзандлар билан муносабатлари ҳақидаги ҳикматлар акс этади. Бешик жири, алла (ҳаййув) айтиш анъанаси онанинг ўз фарзандига шодлик ва қувонч улашишни истаб, орзу-армонларини куйга солиб етказа олиши, эстетик тарбия бериши, болада инсонийлик ва меҳр туйғуларини шаклланишини таъминловчи ахлоқий мезонлар мажмуи [6].

Ҳаййув, Ҳаййув оппоғим,
Қўзи жунли қалпоғим,
Юрт суймаса суймасин,
Ўзим суйган оппоғим.
Ҳаййув, Ҳаййув жон болам,
Шакардан да бол болам,
Ким бўлсангда ўз эркинга,
Бўлақол жоним бўл Одам...[3] – деб алла (ҳаййув) айтади.

Бунда боланинг ўзи истаганча иш тутиши, эрки, ўз хоҳиши билан тақдирини белгилашга интилиши лозимлиги, бироқ энг асосийси одамгарчиликни унутмаслиги айтилади. Шу сабабли буюк аллома Абу Али Ибн Сино оналар алласининг тарбиявий аҳамиятини юксак қадрлаб – «Бола меҳрини қондириш учун унга икки нарса зарур, биринчиси, болани сокин ва аста тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одатга айланган алла айтиш. Шулар орқали боланинг тарбияси мустаҳкам бўлади»[4:24] деган эди.

Қорақалпоқ халқининг миллий-тарбиявий маънавиятини акс эттирувчи урф-одат ва анъаналаридан бири– бу бет очар. Бет очар (келин салом) овулга келин бўлмиш келинчакни шу эл билан таништириб, ундаги яхши-ёмонни, яқин ва олисни, феъл-атворида хушхулқлик ёки бадхулқлик фазилатлари бор бўлган тенгдошларини ҳазил-мутойиба аралаштириб таништириш, шу орқали ёшларни, айниқса, ёш оила қураётган келинчакни ҳаёли, иболи, одобли, меҳнаткаш, қўни-қўшни, маҳалла билан мослашишга тарбиялаш омили ҳисобланади. Ота-боболаримиз анъанасига садоқат рамзи сифатида бет очар келин келган пайтда ҳикматли матндан иборат ибратли сўзлар билан халқ олдида бaралла айтилади:

О, халойиқ, халойиқ,
Келинчак келиб қолибди,
Интилишиб қарайлик,
«қувонишиб, шовқинламай,
Сўзларга қулоқ солайлик… [5:18-21]

Мазкур келин салом (бет очар) орқали халқ педагогикасида ёш келин-куёвнинг оилапарвар, ота-оналикка тайёрлаш, фарзандли бўлиб, чақалоқ овози уйни тутиб туриши, унинг ўйин-кулгуси оила мустаҳкамлигининг пойдевори эканлиги таъкидланган. Келажакда қобил фарзанд бўлиб вояга етишини назорат қилиш ёш ота-оналарга улкан масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан қарашга даъват этган, тарбиявийлик касб этиши таъкидланган.

Янги келган келинчак бўсағадан уйга киришда эгилиб таъзим қилади. Уйнинг ўнг томонига чимилдиқ тутилиб, овулнинг келин-қизлари билан чимилдиқда ўтиради, катта-кичикка алоҳида эҳтиром билан салом беради. Бу анъана овул одамларига бўлган ҳурмат ҳамда келиннинг тарбия кўрганлиги, одамшавандалиги белгиси ҳисобланади.

Бет очар орқали келинчак куёв бўлмишнинг оила аъзоларига, шу овул (маҳалла) нинг одамларига, яқин қариндошларига салом беради, таъзим қилади. Шунингдек, бу таништириш маросими ҳам бўлиб, ҳар жумланинг охирида «унга беринг бир салом, бунга беринг бир салом» деб, мевали дарахт шохидан кесиб олинган узун таёқчага боғланган (келиннинг бошига ёпилган) рўмолнинг бир учини юқори кўтариб туширади. Келинчак ҳар бир саломдан кейин бошини

эгиб таъзим қилади.

Бет очар халқимизда қадимдан шаклланган жуда бой педагогик мазмунга эга, тарбиявий таъсири кучли халқ анъанасининг энг чиройли назмий ифодаси сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бет очар келинчакка хослаб айтилгани билан, матн, жумлалар – халққа, барчага тегишли бўлиб, юқорида атаб айтганимиздек, одамларнинг хулқ-атвори, ота-онани эъзозлаш, халққа хизмат қилиш, тартиб, урф-одатлар, қадриятларга эҳтиром, анъаналарга содиқлик каби ахлоқий муносабатларни панд-насиҳат кўринишларида, термалар билан жозибали ва таъсирли ижро қилади.

Дарҳақиқат, бет очар қизлар тарбиясининг оиладаги якуний босқичини, ўз уйида қандай яхши тарбия олса, ўзи оила қурганида шундай шаклланиши, у ёшлигидан ота-онани эъзозлаб, хизматларида бўлиши, ақлли, диёнатли бўлиши тарбиявий аҳамиятга эга. Қизнинг онаси берган тарбиявий мезонлар келажакда бўй кўрсатиши, оилада яхши тарбия бўлса қиз келин бўлиб борган жойида тезда «синггишиб» кетиши, шу орқали оилада қизлар тарбиясига аҳамият берилиши ижобий натижаларга эришилиши халқ педагогикасининг дастлабки таомиллари сирасига киради.

Маълумки, кўп асрлардан буён ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаларидан бири сифатида эртак, жумбоқ, нақл-мақоллар тилга олинади. Халқ оғзаки ижодининг бу тарбиявий қуроллари турмушдан, тажрибадан, аждодларимиз кўрган-кечирганларидан намуна сифатида қадрланади, ҳамма замонларда ота-боболаримизнинг турмуш тарзини, таълим-тарбиясини, миллий урф-одат ва анъаналаримизни ўзида акс эттиради. Бу эса келажак ёшларимизга ўзлигимизни англашга, тарихимизни кадрлашга ва миллий кадриятларга бўлган хурматини оширади.

**Адабиётлар**


1. Қодиров Б.А. Традиционная педагогическая культура узбекского народа: Автореф.дис. ... докт.пед.наук. – М.: МГУ, 1992. –С. 33.
2. Қосназаров Қ., Пазылов А., Тилегенов А. Педагогика. -Нөкис: "Билим", 2009. 256-б.
3. Қарақалпақ фольклоры . (Көп томлық). 5-том. Қарақалпақ халық қосықлары ҳәм салт жырлары. 5-том. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1980. –С. 487.
4. Абдимуратов П. Қарақалпақ халқының дәстүрлери ҳәм оның жаслар тәрбиясындағы әҳмийети. -Нөкис: "Билим", 1996. 91-б.
5. Қазақбаев С. Қарақалпақ салт-дәстүр жырлары. –Нөкис: "Қарақалпақстан", 2012.
6. Исмайлов А.С. Ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий анъаналар ва урф-одатларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти. "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқоталар" мавзусидаги республика 23-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. –Тошкент: 2020. 186-б.
7. Исмайлов А.С. Қорақалпоқ халқ анъаналари воситасида ёшларни маънавий тарбиялашнинг педагогик асослари. п.ф.ф.д (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс..... -Н.: 2022. 130-б.



**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада қорақалпоқ халқининг тарихи, маданияти, урф-одати, миллий маънавияти, бетакрор – миллий анъана ва қадриятлари, дастурлари хақида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассказывается об истории, культуре, традициях, национальной духовности, уникальных национальных традициях и ценностях, программах каракалпакского народа.

**SUMMARY.** This article tells about the history, culture, traditions, national spirituality, unique national traditions and values, programs of the Karakalpak people.


## II A-TOPAR ELEMENTLERIN OQÍTÍWDA KLASTER METODÍNAN PAYDALANÍW


**B.A.Jumabaev** – *ximiya ilimleriniń kandidatı, docent*
**K.Sh.Zaripbaev** – *stajyor oqıtıwshı*
**X.B.Aytbaeva –** *talaba*
*Ájiniyaz atındağı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*



**Tayanch so'zlar**: magnezit, apatit, berill minerali, klaster, gips.
**Ключевые слова:** магнезит, апатит, минерал берилл, кластер, гипс.
**Key words:** magnesite, apatite, beryl mineral, cluster, gypsum.


Házirgi kúnde Ózbekstan Respublikası tálim sistemasınıń rawajlanıwın támiyinlewshi tiykarǵı faktor sıpatında, 2030-jılǵa shekem belgilep alınǵan tálim konsepciyasında «Pútkil ómir dawamında sıpatlı tálim alıwǵa imkaniyat jaratıw» aktuallıǵı wazıypa etip belgilengen. Bul bolsa, óz gezeginde hám ilim, hám shet tilin, hám zamanagóy xabar texnologiyaların tereń biletuǵın hám onı tájiriybede qollay alatuǵın ximiya oqıtıwshıların tayarlawǵa qaratılǵanlıǵı menen áhmiyetke iye. Sol sebepli joqarı oqıw orınlarında oqıtıwdıń zamanagóy usıllarınan paydalanıwdı jolǵa qoyıw, bolajaq kásip iyelerin kásipke tayarlawda innovacion hám xabar texnologiyaların sabaq procesine paydalanıwdı talap etpekte [1;2].

Búgingi kúnde bir qatar rawajlanǵan mámleketlerde tálim-tárbiya procesiniń natiyjeliligin kepillewshi zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalardı qollaw boyınsha shárt-sharayat jaratılıp atır. Oqıw orınlarında keń qollanılıp atırǵan klaster tálim-tárbiya procesin bir pútin jaǵdayda ámelge asırıwda mashqalalardı sheshiwde sabaq procesin aqılǵa say shólkemlestiriwde, tálim beriwshi tárepinen tálim alıwshılardıń qızıǵıwshılıǵın arttırıwda, oqıw materialın kishi-kishi bóleklerge bólip, olardıń mazmunın ashıwda, aqılıy hújim, kishi toparlarda islew, báseki-tartıs, mashqalalı jaǵday, joybar, rolli oyınlar sıyaqlı metodlardı qollawda ámeliy shınıǵıwlardı óz betinshe orınlawda qandayda bir iskerlik yamasa mashqala óz ara baylanıs, óz ara báseki-tartısta pikirlewde awızbirshilik penen máselelerdiń sheshiminde óz nátiyjesin kórsetedi. Bul usıldıń abzallıǵı sonda, studentti erkin pikirlewge úyretip, erkin turmısqa tayarlaydı. Oqıtıwdıń klaster usılların tańlawda tálim maqseti, tálim alıwshılardıń sanı hám múmkinshilikleri, oqıw orınınıń oqıw-materiallıq sharayatı, tálimniń dawamlılıǵı, oqıtıwshınıń pedagogikalıq uqıbı hám basqalar itibarǵa alınadı [2].

Klaster metodı degende - bilim alıwshılardı aktivlestiriwshi hám erkin pikirlewge úndewshi, tálim procesiniń orayında bolǵan tálim beriwshi hám tálim alıwshını aktiv qatnasıwǵa shaqıradı. Tálim alıwshı oqıtıw procesi dawamında aktiv qatnasadı. Bul proceste tálim alıwshılar oqıp-úyreniwdi joqarı dárejede bolıwın, iyelegen bilimlerdi maqset hám talaplarına muwapıqlastırıwda baslamashılıǵı hám juwapkershilik, qollap-quwatlaw ámelde orınlaw arqalı oy-pikirler júritiw qábiletin rawajlandıradı [3].

Oqıtıw procesinde klaster metodlardan paydalanıw ózine tán qásiyetke iye. Bilimlendiriw ámeliyatında paydalanılıp atırǵan klaster metodı studentlerdiń pikirlewin keńeytiredi hámde mashqalanıń tuwrı sheshimin tabıwǵa unamlı tásir kórsetedi. Klaster metodı arqalı studentlerdiń bilim, kónlikpe, tájriybeleri, dóretiwshiligi hám aktivligi teoriyalıq hám ámeliy mashqalalarǵa bolǵan qarasları rawajlanadı.

«Klaster» metodın ótkeriw texnologiyasın ámelge asırıwda - Student neni oylaǵan bolsa, sonı qaǵazǵa jazadı. Ol óz pikirleriniń sıpatı haqqında oylap otırmay, olardı tek ǵana jazıp baradı. Jazıwınıń orfografiyası yamasa basqa